

Ўзбекистон тарихида юз уруғини ўрганиш

Исмоилов С., ГулДУ ф.ф.н., Бегиев О., СВПКТМОИ ўқитувчиси

Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишда ўзбек уруғлари тарихи, тузилиши ва таркиби алоҳида ўрин тутади. 92 бовли ўзбек уруғлари орасида юз уруғи алоҳида мавқеда туради. Манбаларда юз уруғини Мовароуннахрга кириб келиши Дашти Қипчоқ ўзбеклари билан боғланади. У XVI аср бошларидан “Насабнома”ларда тилга олина бошлаган. Юз уруғи ҳақидаги изланишлар Х.Дониёров тадқиқотларида атрофлича ўрганилган.

Юзлар XVI-XIX асрлар давомида ўзининг юқори тақомилига етди. Бу даврдаги барча насабномаларда юз уруғи ҳақида маълумотлар бор. Юзларни жойлашиш ҳудудини А.Борис юз-Қўқонда, Ҳисорда учрайди, деб ёзса (1845), А.Д.Гребенкин Зарафшон водийсининг ўрта қисмида яшовчи уруғлар орасида юзларни санаб ўтади (1872). Заки Валидий Тўғон “...улар Жиззах туманида яшайди” дейди. К.Нажимов эса асосан Сурхондарё ҳудудида яшовчи юзларни тадқиқ этади. Т.Салимов, А.Макшеев ва В.Радлов маълумотларига таяниб, “Юзлар асосан Ҳисор юзлари деб аталиб, Сурхон ва Ҳисор водийларида, бошқа қисми Ўратепа юзлари деб аталиб, Зарафшон қирғоқларидан то Ғарб томондаги Сирдарё қирғоқларигача (Бекобод ва Хўжандгача, Ўратепа билан бирга) бўлган ҳудудни шарқий томонларида яшайдилар деб кўрсатади. Шу билан бирга, Ўратепа юзлари билан Ҳисор юзлари ўртасида умумий ўхшашликлар мавжудлиги борлигини таъкидлайдилар.

Филология фанлари номзоди, доцент Босим Тўйчибоев ““Ўзбекларнинг минг” уруғи вакиллари супойлашиб, ўз уруғини унутиш даражасига етиб қолди. Ундан кейинги уруғ “юз” саналади. “Юз”лар, хайриятки, ҳарқалай, ўз уруғларини унутганларича йўқ. Аммо улар турли ҳудудларда яшамокдалар. Шу сабабли бу масалани ўрганиш ҳам анча мушкул кечади. Бироқ шуниси қувончлики, “Юз”лар ўз уруғларини унутмаганлиги боис, гарчи қийин ва машаққатли меҳнат ҳисобига бўлсада, “юз”ларнинг шажарасини тиклаш имкони ҳам бор”, - деб ёзади.

А.И. Макшеев бўйича (1871) юзлар қуйидаги оилаларга бўлинади

- | | |
|---------------------|------------|
| • беш юз; | • солин; |
| • қарапчи; | • сўлоқли; |
| • найман эрганақли; | • уяс; |
| • парча юз; | • хитой юз |

В.Радлов бўйича (1888) юзлар қуйидаги аймоқларга бўлинади:

- | | |
|----------------|-----------------------|
| • қарапчи; | • тегирик; |
| • қуёнқулоқли; | • туёқли; |
| • парча юз; | • хитой юз (Хонхўжа); |
| • сирғали; | • хитой юз (Хўжа); |
| • сўлоқли; | • эрганақли |

В.Радлов ушбу маълумотни Зомин қозисининг ахбороти орқали олган.

Қ.Нажимовнинг кўрсатишича, юзлар учга бўлинади: юз, қарапчи ва марқа. Муаллиф шулардан кейин саналганликларини қайд қилади. Шундан кейин Қ.Нажимов юзнинг яна 2 та урукка бўлинишини кўрсатади:

- юз вахтамғали.
- юз жилонтанғали.

Буларнинг ҳар бири ўз навбатида, муаллифни кўрсатишича, 3-4 тадан майда бўлақларга бўлинади. Масалан:

1. Юз вахтамғали:

- кесовли
- козиоёқли
- ёрикбошли
- қарапчи

2. Юз-жилонтамғали:

- кўрға
- икрчи
- кўса

Қ.Нажимов “Ўзбек қабиласи бўлган юзлар Ўзбекистон халқлари тарихида XVII асрдан бошлаб Бухоро, Самарқанд, Хўжанд ва Ўратепа аҳолиси орасида эслатиб ўтилганлигини таъкидлайди. (1958)

Х.Дониёров эса юзларни XVI асрда Шайбонийларнинг Марказий Осиёга кириб келиши билан боғлаб талқин этади. Ва уларни 3 га бўлиниши тўғрилигини (Қ.Нажимовдан фарқли равишда) кўрсатади.

- Марқа
- Қарапчи
- Ражаб

Ҳақиқатда юз уруғлари орасида «Марқа боласи», «Шоди боласи» ва «Ражаб боласи» деган иборалар мавжуд.

Оға Бургутли ўз тадқиқотларида Зоминда яшовчи 108 ёшли Турот Полвон Ёрбековдан: - Юзнинг асосини «Марқа боласи» шажараси ташкил қилади. «Ражаб боласи» «Марқа боласи»нинг ичида. Лекин Қарапчи бутунлай алоҳида, Қуёнқулоқи, Олмачи, Тўғизчелак, Боймоқли, Парчаюз, Чапарошли, Сўлоқли, Ўроқли уруғлари каби юзнинг алоҳида таркибий қисми ҳисобланади – деган маълумотни ёзиб олган. Зоминнинг Оғар қишлоғида яшовчи Бўри Сармисовдан эса: Жуз энг катта отамиз бўлиши рост, аммо унинг икки ўғли бор эди – Марқа билан Шоди. Катта ўғил Марқанинг болалари Ражаб, Хитойюзи ва Туёқли, Шодининг икки кўчи бўлиб, катта хотинидан қарапчи, парчаюз ва ўювли, кичик хотинидан сўлоқли ва ўроқли туғилган- деган маълумотни олади.

Турсунбой Салимов: «Хабарчилар айтувчи жўри, бешюз, найман, солин, чолқишлоқ, жувонсийроқ биргаликда «Ражаб боласи» шажарасини ташкил қилади. «Ражаб боласи» ва «Марқа боласи» қўшилиб, Марқани ташкил қилади, охирида Марқа, парчаюз билан қўшилиб «юз» бўлади» – деб ёзади.

Юқоридаги маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, ўзбек халқи уруғларга бўлингандек, юзи ҳам аймақ ва бўлақларга бўлинади. Ўз навбатида бу бўлақлар яна майда бўлақларга, у бўлақлар тўпларга, тўплар ота ва сулолаларга бўлинади.

Демак юзлар умумий ҳолда А.Макшеев, В.Радлов, Қ.Нажимов, Ҳ.Дониёров, Оға Бургутли маълумотларга кўра аввал 3 катта тармоққа:

- Марқа
- Ражаб.
- Шоди гуруҳларига, сўнг эса 8-10 атрофидаги аймақ-уруғларга бўлиниб, умумий ҳолда юзга яқин этник таркибдан иборат бўлиб чиқади.

Халқимиз тарихини ўрганиш ва ўзлигимизни англаш жараёнида ўзбек уруғлари, жумладан унинг таркибий қисми бўлган юз уруғи тарихи ва тақибини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз И.Каримов “...ҳаётга кириб келаётган ёш авлод учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб берилган”-деб таъкидлайдилар. Бу имкониятлардан бири ўзлигимизни теран англаш, ўз миллий тарихимизни холис ва илмий ўрганиш жараёнидир.

Адабиётлар:

1. Древний Заамин (история, археология, нумизматика, этнография). –Т.: Фан, 1994.
2. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Т.: 1968.
3. Қашқирли Й., Тўйчибоев Б. Зомин сўзлиги. –Т.: 2008.
4. Оға Бургутли-Саттор Қорабоев. Чавкартовдан тушган одамлар ёхуд қарапчилар қиссаси. –Т.: 2001.